Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 4000 та автотранспорт саройлари бўлиб, уларда 47.000 давлат та-сарруфидида автотранспорт воситалари мавжуд. Улардан ташқари 115 мингта шахсий автомашиналар қўчаларда ҳаракатланмоқда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунини амалга тадбиқ эта бориб, ҳаво мусоффолигини ҳимоя қилишдаги ўз вазифаларини сид-қидилдан бажармоқда.

537 та муассаса ва ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган зарарли газ ва тутунларни тозалаш иншоотлари орқали зарарсиз чиқишини йўлга қўйишда шаҳардаги барча туманларда қўмитамиз давлат нозирлари орқали экологик назорат йўлга қўйилган.

Шунингдек, Давлат автомобил

оқибатда 28 та мансабдор шахсларга нисбатан далолатномалар расмийлаштирилиб, 98750 сўм жарима солинди. 13 та автотранспорт корхонасининг мутасаддилари масъулиятсизлиги устидан тегишли идораларга тақдимномалар киритилди.

«Тоза ҳаво» тadbiri шаҳарда белгиланган 11 таянч пунктларда олиб борилиб, атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлашда муҳим аҳамиятга молик эканлиги Ўзбекистон телевидениесининг «Даракчи» тахририяти орқали 1998 йил 19 сентябрда намойиш этилди. «Тоза ҳаво» тadbirini ўтказишда ДАН ходимлари билан кенг жамоатчилик яқиндан туриб ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шаҳарда кераксиз чиқиндиларни зарарсизлантириб қўйиш, айниқса, барг-ҳазонларни қўйиб чиқариб ундан гумус тайёрлаб, деҳқончилик мақсадларида фойдаланиш йўлга қўйилса табиатни муҳофаза қилишда қўйилган катта ҳисса бўлар эди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари — ўз-ўзини бошқарувчи маҳалла қўмиталари яқиндан туриб ёрдам берсалар, атмосфера ҳавосининг мусоффолигини таъминлашда муҳим қадам бўлар эди.

Эрмўмин ЧУПОНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси илмий-техникавий тараққиёт ва экологик тарғибот бўлимининг бошлиғи.

Муносабат

МУСАФФО
БЎЛСИН
ҲАВО

назорати бошқармасининг экология бўлими, шаҳар ДАН ходимлари «Тошкент» тижорат фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тadbир асосида ҳар йили икки марта, май ва сентябрь ойларида «Тоза ҳаво» тadbiri ўтказилиб боришмоқда.

1998 йилда шу тadbир асосида шаҳардаги 98 автокорхонага ташриф буюрдик. Корхоналардаги 21846 та автомобиль текширишдан ўтказилди, шундан давлат та-сарруфидигилари 6234 тани ташкил этди. Натижада 2813 та автомобилнинг экологик носозлиги аниқланди. Уларнинг 2075 тасида тутун миқдори меъёрдан анча ошқилиги маълум бўлди. Охи-

Ҳар доим бўлганидек ўтган ойда ҳам қўмитамиз назоратчилари шаҳар корхоналари, ташкилот, муассасаларида бўлиб, табиат муҳофазасига бағишланган тadbirlар қандай бажарилаётганлигини синчиклаб текширишди. Бир гал хурсанд бўлсак, бир сафар ранжидик. Жарима тўлаш оdatини тарк этмаган, этолмаётганлар билан сизни ҳам таништиришни лозим кўрдик.

● «Махжунтол-Б» шахсий ишлаб чиқариш фирмасининг директори Н. Толстойтов чорва моллари чиқиндиларини тозалаб, йўқ этмагани учун 2200 сўм;

● «SERRA KOMFORT» хусусий фирмасининг бошлиғи М. Махмудоҳунов ошхона лойиҳасини давлат экологик экспертизадан ўтказмагани учун 1500 сўм;

● Фуқаро авиацияси 243-заводи цех бошлиғи О. Блажко тозаланмаган гальваник оқаваларни оқизиб қўйгани учун 2200 сўм;

● Мирзо Улуғбек тумани хўжалик ҳисобидидаги қурилиш-таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Ю. Чирков очик ҳавода битум ёқишга йўл қўйгани учун 2200 сўм;

● «Ўзбекгазсувқурилиш» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти худудидидаги чорва моллари чиқиндилари билан сувларнинг ифлосланишига ўз вақтида барҳам бермагани учун Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи М. Ме-

либоев 3300 сўм;

● «Йирик панелли уй қуриш заводи» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида сув қувурлардан муттасил сув оқиб, исроф бўлаётгани учун бошлиқ ўринбосари Р. Нузиев 2200 сўм;

● «3-автокомбинат» очик турдаги акциядорлик жамиятида эколо-

АЁҚти экологик экспертизадан ўтказилмагани учун директор Н. Исмолов 3300 сўм;

● «Назарбекавтоўл» корхонаси лойиҳаси ҳанузгача экологик экспертизадан ўтказилмаган. Шунинг учун бошлиқ Н. Дилманов 1100 сўм;

● Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги автосаройида олдин берилган йўриқномалар бажарилмаган. Бундай ҳафсаласизлиги учун атроф-муҳит муҳофазаси учун жавобгар М. Тўйчиев 3300 сўм;

● «Шохруҳ» акциядорлик жамияти автосаройида сувни ҳисобга олиш журнали тутилмаган. Сув ҳовузлири ҳам рисоладагидек қурилмаган. Шу сабаб ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи А. Мирзаев 2200 сўм.

Бундай носозликлар, камчиликлар, лоқайдликлар исталган корхонада мавжуд. Сув, ҳаво — бу ҳаёт деймиз. Уларга нисбатан лоқайдлик — ўз ҳаётимизга бўлган лоқайдлигимиздир.

Табиатни қўриқлаш, унинг ҳар битта гул-ғиёҳини муҳофаза қилиш, кўз қорачиғидек эҳтиёт қилиш — бу Ватанимиз ардоқлашдир. Бунга яна бир қарра барчага еслатиб қўйиш ўринлидир. Табиатни ардоқловчи ҳамшаҳарларимиз кўпайса, юртимиз шунча обод бўлади. Бунга бирон дақиқа бўлсин ёддан чиқариш мумкин эмас.

Эркин АСАТОВ,
Расул МУМИНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари.

Собир Раҳимов тумани Тошкент шаҳрининг шимолӣ қисмида жойлашган. Туман Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ва Тошкент вилоятининг Тошкент тумани билан чегарадошир.

Туманда 84 та маҳалла, 35 та йирик корхона, 126 та кичик корхона ва фирма, 10 та қўшма корхоналар мавжуд.

Туман худудидан Қорақамиш, Кичикирик, Кайковус каналлари оқиб ўтади.

1998 йил Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг режасига асосан атмосфера ҳавоси ҳамда сув ресурслари бўйича тумандаги 60 та корхона текширилди.

Маълумки, ҳозир бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина йирик корхоналарнинг иш фаолияти 20—30 фоизни ташкил этмоқда. Лекин шунга қарамайдан айрим корхоналар табиатни муҳофаза қилиш қўнунларини бузган ҳолда ишлашмоқда. С. Раҳимов туманида жойлашган мрамарни қайта ишлаш заводи ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлаётган оқава сувларни тўғридан тўғри Қорақамиш каналига чиқариб ташлаган. Бу эса каналдаги сувнинг таркиби ифлосланишига олиб келмоқда. Тошкент шаҳар иxtисослаштирилган аналитик назорат хизмати лабораторияси томонидан чиқариб ташланаётган сувдан текшириш

ХОПВА ДЕГАН
БИЛАН

учун олиниб, сувдаги зарарли моддалар миқдори меъёридан ошганлиги аниқланди. Сувнинг таркибидида зарарли моддалар рўхсат этилган миқдордан салкам 20 баробар кўп, чиқинди маҳсулотлари бўйича эса 30 баробар ошганлиги аниқланди. Текширув давомида «Тошмармар» акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси Т. Қулмуҳамедовга Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодексининг 72-моддасига асосан 3750 сўм жарима солинди. Корхона худудида жойлашган тошни кесиш цехидан чиқадиган чиқинди сувга барҳам берилди ва камчилик бартафатил этилгунга қадар цех фаолияти тўхтатилиб қўйил-

ди. Туманининг 15 та корхонасида ўз артезиан қудуғи бўлиб, шундан 2 таси, яъни «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти, «Чинни заводи» акциядорлик жамиятидаги артезиан қудуқлар экологик экспертиза руҳсатисиз ишлатилмоқда.

1998 йилнинг бошидан октябрь ойигача текширилган корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қўнун-қоидаларини бузганлиги сабабли жами 37 та маъмурий жазо қўлланилиб 54650 сўм жарима солинди. Шундан 29 та мансабдор шахсларга 51550 сўм миқдорда ва 8 та фуқарога 3100 сўм жарима солинди.

Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан куз мавсумига тайёрларлик ишлари олиб боришмоқда. Дарахлардан тушадиган ҳазонларни йиғиш учун ўралар тайёрлаб қўйил-

ди. Ҳозирги кунда туман ҳокимлиги томонидан тузилган табиатни муҳофаза қилиш режалари ўз вақтида бажариб боришмоқда.

Ҳудудийлик, юқорида кўрсатилган камчиликлардан мутасаддилар ўзларига ҳулоса чиқариб олишади.

Акмал РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг нозир.

Назм

Ўйнаб-ўйнаб
учади мезон,
Синоатга
тўладир осмон.
Куз чехраси этади
мафтун,
«Япроқни айлади
кавкабистон».

Сувлар оқар
оҳиста, ёниб,
Майсаларда
яшиллик қани?
Боғлар эди шарбат
маскани —
Бари-бари бугун
заффарон.

Кушлар учар,
билмам, қайларга?
Бағри иссиқ олис
жойларга.
Имкон йўқдир энди
пойларга —
Само тўла
қанотли карвон.

КУЗ МАНЗАРАЛАРИ



Чаноқларда тошар
«оқ олтин»,
У биландир
ризиқимиз бутун.
Олтин қўллар ишлар
олмай тин.
Кел, дер бугун
бу оппоқ уммон.

Она шахрим, кузинг
чиройли,
Тилмоланган кузинг
чиройли,
Олтин куздан ўзинг
чиройли,
Ҳар фаслда бағринг
тўла пон.

Кузлар яна
келаверади,
Умр шошиб
келаверади.
Темур тилак
тилайверади:
Омон бўлгин,
жон Ўзбекистон!
Темур УБАЙДУЛЛО.

Сергели туманининг табиий шарафотида сув ниятда сероблиги диққатга моликдир. Туман худудидан Чирчик дарёси, Салор, Жун, Қорасув, Чортоқ сингари каналлар оқиб ўтади. Икки кўл мавжуд. «Сувсоз» трестининг тўртта сув омбори ҳам бор. Эллиқдан зиёд ташкилот ва корхоналар борки, уларнинг ҳам хўжалик, ободонлаштириш, суғориш мақсадларида қавналанган ўз қудуқлари бор. Демак сув ресурсларини муҳофаза қилиш туманда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шуқр қилишимиз керак. Чирчик дарёси ҳозирча нисбатан тозаллигича турибди. Фақат, «Сирғали ТЕК» ҳиссадорлик жамиятидан оқава сувлар, турли хўжалик чиқиндилари келиб тушади. Бир неча йиллардан бери сувларга тушадиган зарарли моддалар йўл қўйилган меъёридан бир неча баробар ортқилиб аниқланди. Лекин жамият мутасаддилари бунга етарли аҳамият бермай келадилар.

Чирчик дарёсининг, унинг қирғоқларининг қўйи оқимларининг аҳоли кейинги йилларда анча ўзгариб, экологик аҳоли ёмонлашиб бормоқда. Бунга йил сайин қирғоқларнинг ҳимоя зоналарини ишлаб чиқариш мақсадларида ўлаштириб борилиши жиддий таъсир кўрсатмоқда. Оқибатини ўйлабдан олдинташтан шағаллар ўз ишини қиялтири: дарё қирғоқлари, унинг саҳли 6—10 метр, Хонобод — эски Сергели атрофларида ҳатто 15 метр пасайиб кетди. Оқимнинг тезлиги, қиялиқнинг ўзгариши сабаб, дарё узани ўз мустақамлигини йўқотди, емирилиш юз бермоқда. Емгир сувлари қирғоқдаги ҳимоя қурилмаларини, кўприкларнинг устунларини ювиб кетмоқда. Унга қарши курашиш учун эса катта куч талаб этилиши барчага аён.

Айниқса, ташлаб кетилган карьерлар, ўйим-чўқурларнинг, йўлларнинг қўлиги бу ерларда чиқинди уюмларининг қўллаб ҳосил бўлишига сабаб бўлаётти. Табиийки улар тупроқни, сувни, ер ости сувларини ифлослантиради. Шу сабабдан ҳам шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мунтазам рейдлар ўтказиб, қондабузарларни аниқлашга, тарғибот ишлари олиб боришга катта эътибор бермоқда.

Туман худудидидаги ер ости сувларининг

би корхона ва ташкилотлар мутасаддиларига нисбатан маъмурий жазо чоралари қўрилди.

Айни пайтда ер ости сувларининг ифлосланишига сабабларни ҳам кўрсатиш керак. Бунда асосий омил — барча турдаги корхоналарнинг қўнчилиги шаҳар каналлациясига уланмаганидир. Мавжуд каналлация тармоқларининг носозлиги ҳам экологияга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда Дўмбобод каналлация кана-

ли қуриб битказилди. Афсуски Чоштепа қу-ҳасидидаги биронта корхона ёки ташкилот ўш-бу тармоққа ўз чиқиндиларини ўлашни ҳат-то ўйлаб ҳам қўргани йўқ. Туман худудиди-даги корхона ва ташкилотлар кечиктирмай «Сувсоз» трестига мурожаат қилишлари, я-ғни меъёрий ҳужжатларни олишлари зарур.

Жанубий Сергели саноат зонаси ҳақида ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин. Ушбу зонада каналлация қуришга, 1985 йилда қарор қилинган эди. «Ўзқилимчи-ранглиметалл» корхонаси унинг бош қурув-чиси этиб белгиланган, қурилиши 1991 йилда тугаллаш мўлжалланган эди. 1989—1990 йилларда «Ўзгирсаноатло-йи-ҳ» институтида бўлажак каналлация тар-моқларининг лойиҳаси чиқилди. Хуллас, ўш-бу қурилишга 22 корхона бош қўшадиған, бош пудратчи эса 4-қурилиш-монтаж ком-бинати бўлди. 1991 йилда қурилиш бош-лабди, 1991 йилгача 1650 погон метр кана-ллизация зовури қавланди. Кейин... таш-лаб қўйилди. 1994 йилда сарф-харажатлар қайта ҳисоблаб чиқилди. Лекин корхона-

лар зарур маблағни тўплай олишмади. Шундай қилиб, каналлация қурилиши эътибордан четда қолди. Лекин шахримиз экологийсининг тозаллиги ҳақида қайғурар эканмиз, бу муҳим қурилишга албатта эъти-борни қаратишимиз керак.


Туманда атмосфера ҳавоси муҳофаза-сига қандай эътибор берилмоқда? Юқори-да айтиб ўтганимиздек Сергели туманида 180 та саноат, 36 та қурилиш, 24 та автотранспорт корхоналари ишлаб туриб-ди. Бундан ташқари 51 қўшма, 1056 та ки-чик ва ўрта бизнес корхоналари ҳам фао-лият кўрсатмоқда. Улар мебель, бетон ва темир бетон маҳсулотлари, турли конст-рукциялар, пластмасса ва алюминдан иш-ланган ромлар, турли халқ истеъмол буюм-лари ишлаб чиқармоқдалар.

1998 йилнинг 8 ойи мобайнида туман корхоналарида 135та назорат рейдлари ўт-казилди. 36 та мансабдор шахсга жарима-лар солинди. Назорат чоғида атмосфера ҳа-восига чиқарилаётган зарарли моддалар белгиланган меъёрдан ўнлаб марта ошиб кетгани аниқланди. Лекин корхоналар за-рур тозалаш ускуналари, жиҳозлар сотиб олиш ўрнига жарима тўлашни афзал бил-моқдалар. Қўриниб турибдики, тумандаги барча корхоналар ҳаво тозаллигини ифлос-лантиришда фаол қатнашмоқдалар. Кўп-гина корхоналарда тозалаш қурилмалари мав-жуд. Лекин мутасаддилар уларнинг бир ма-ромда самарали ишлаши учун жон қуйди-рмайдилар. Оқибатини эса қўриб турибмиз.

Умуман Сергели туманидаги корхоналар иш фаолиятида табиат муҳофазасига эъти-бор жуда ҳам паст даражада. Начора, бу-ни айтсак тилимиз қуяди, айтмасак дили-миз.

Табиат — мангу яшаши керак. Бунинг учун пойдевор, тамал тоши бугун қўйили-ши керак.

Ольга ВЕБЕР,
Людмила КОРОЛЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари.



Олтин кузининг олтин япроқлари.

● Саҳифани Толиб САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Саоматлик

ЎЗИНГИЗГА
ШИФОКОР БЎЛИНГ

ИШТАХА ЙЎҚОЛГАНДА

Куритиб янчилган лимондан саккиз чой қошиқ оли-
нг, икки стаканга солиб, қайноқ сув қуйинг. Тўрт соат
тургандан сўнг, ярим стакандан кунига тўрт марта ичи-
нг. Қарабсизки, таомни кўрдум демайдиған бўласиз-
қоласиз.

БЎҒИЛЛАР ОҒРИГАНДА

Янги кесилган қарағайларнинг новдаларини қайноқ
сувга ярим соат солиб қуйинг. Сувнинг ҳарорати 37-38
даражага тушганда оғриётган қўл ёки оёғингизни ярим
соат давомида солиб ўтиринг. Кейин оғриётган жойингиз
ни иссиқ мато билан ўраб бир соат ётинг. Ревматик
полиартрит билан оғриганларга 5—7 марта ванна қабул
қилиши тавсия этилади.

КОН БОСИМИ КЎТАРИЛГАНДА

Бир стакан сабзи, шунча лавлаги, ярим стакан кљюк-
ва (қизил нордон мева) шарбати, бир стакан асал, 100
грамм ароқ ҳозирланг. Уни аралаштириб, бир ошқо-
шиқдан кунига уч мартадан истеъмол қилинг.

Яна бир тавсиямиз: 2 стакан лавлаги шарбати, 250
грамм асал, бир дона лимон шарбати ва бир стакан
ароқ ҳозирланг. Қориштириб, кунига уч марта, бир ош-
қошиқдан овқатдан олдин ичинг. Сен кўр-мен кўр бўлиб
кетасиз.

ЎПКА БЎШАШГАНДА

Бир стакан тозалаш ювилган сулини оласиз, уни бир
литр сутга солиб, паст оловда бир соат қайнатасиз.
Қайноқ ҳолида ичинг, таъбингиз тортса ёғ ва асал қў-
шинг. Қайнатма няхоятда мазали бўлади, уни чой ёки
суяқ овқат ўрнида ичсангиз айни мўддао. Хусусан, кеч-
ки уйку олдидан истеъмол қилсангиз фойдали. Уни тер-
мосда сақласангиз тезда айниб қолади.

ЖИГАР ОҒРИГАНДА

Чўллалли барглари, укроп, шувюк, бўймадарон, бўз-
ноч уруғидан қоришма тайёрланг. Икки чой қошиқда
қоришмадан олиб, икки стакан сувга солиб, саккиз соат
қўйиб қуйинг. Кейин сутка давомида истеъмол қилинг.
Яна бир маслаҳат: иккита лимонни майдалаб тўгранг,
бир ярим стакан шакарни селиб, олти кун давомида
сақланг. Лимон сувини эса бир кун давомида ичиб, кун
бўйи ҳеч нарса ичманг. Чанқасангиз лимонли сув ис-
теъмол қилинг. Худди шундай аралашма тайёрлаб ис-
теъмол қилверинг.

ТОМИРЛАРГА ДАВО

Оёқлардаги вена томирлари кўриниб қолганда сира
безовта бўлманг. Саримсоқпиезни киргичдан ўтказинг
ёки пичоқда майдаланг. 250 граммиди олиб, 350 грамм
суяқ асал билан яхшилаб аралаштиринг. Қоришмани
бир ҳафта сақланг. Кейин бир ош қошиқда кунига уч
марта овқатдан 40 дақиқа олдин истеъмол қилинг. Да-
волаш бир-икки ой давом этади.

ҚОТИБ УХЛАЙМАН ДЕСАНГИЗ

Бир вақтда ётиб, бир вақтда туришга одатланг. Ях-
шиши эрталоқ ётиб, эрталоқ туринг. Ётишдан олдин эса
ярим соат бўлса ҳам сайр қилинг. Ухлашдан аввал эса
бир стакан ширин сув ёки сут ичинг. Ва ҳақ қачон бари-
бир ухломлайман, деган аёлга борманг. Тавсиялари-
миз эм бўлишига ишонамиз.


ТОМОҚ ОҒРИГАНДА

Бир стакан сабзи шарбати тайёрланг, уни бир-икки
қошиқ асал билан аралаштиринг. Бир ошқошиқдан кун-
нига 4-5 марта ичинг. Ёки битта сабзини яхшилаб кир-
гичдан ўтказиб ёверинг. Бу фақат томоқ оғриғига эмас,
бошқа дардларга ҳам даво.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТИНГИЗ БЎЛСА

Табиий асалдан бир кеча-кундузга 50—100 грамм енг,
кечаси эса бир стакан асал чой (совутиб, албатта) ичиб
ётинг. Асалда няхоятда фойдали, инсон организми тез
ҳазм қиладиган қанд моддаси бор. Яна рангли ва оқ-
бош қарам истеъмол қилишни ҳам тавсия этамиз. Пиёз,
саримсоқпиез, селдерей, янги тайёрланган лавлаги шар-
бати (ҳар кун 4 маҳал чорак стакандан ичмаша одатла-
нинг) ҳам жуда фойдали. Топилишига қараб, малина,
маймунжон, анор, нок, наъматакни кўнглингиз тусаган
ҳолда хоҳ ўзини, хоҳ шарбатини истеъмол қилверинг.
Гилос, олхўри, узум, ўрик, банан ёйишдан сақланг.
Уларда крахмал кўп. Сут, қатик, сузмани қанда қилманг.
Сачратки илдизларини қайнатиб ичсангиз, баргларини
салат, шакаробларга тўғрасангиз, жуда фойдали.

Турсун ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.



Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

Анжуманлар

ДАСТУР
БИЛАН
ҲАМҚАДАМ

Собир Рахимов
туманидаги «Кўз-
мунчоқ» номли
163-болалар боғча-
сида «Таълим тў-
рисида»ги Конун ва
Қадрлар тайёрлаш
миллий дастурида
кўрсатилган вази-
фаларни амалга
оширишга бағиш-
ланган анжуман
бўлиб ўтди.

Мактабгача тарбия муассасалари ходимла-
ри иштирокидаги ушбу
йиғилишда туман ҳоки-
ми ўринбосари, туман
хотин-қизлар кўмитаси
раиси Мухайбаних
жаева «Маънавият ва
маърифат» ишларини
ривожлантириш вази-
фалари, А. Авлоний
номидидаги халқ таълими
ходимлари малакасини
ошириш марказий ин-
ститутини наشريёти бўли-
ми бошлиғи Шомухтор
Шомансуров «Маъна-
вият ва маърифат иш-
ларини болалар боғча-
сида амалга ошириш
йўллари» мавзусида
матриуза қилди. Шу-
нингдек, «Кўзмунчоқ»
болалар боғчаси муди-
раси Л. Мансурова,
296-мактаб директори
В. Омоновалар таълим-
тарбия борасида олиб
боришгаётган иш тажри-
балари хусусида сўзлаб
бердилар.

Садоқат ФАЙЗИЕВА.

**Шахримиз кўчалари бўйлаб тунги тadbирни ўтказаял-
миз. Бу сафарги текширув ўзига хос. Тошкентда нима кўп
— ҳар хил кўнгилочар тунги муассасалар бисёр. Улардан
бирини «томоша» қилгани кирганимизда эшик оғаси кўл-
ларини кериб, «мумкинмас» деган ишорани қилди. Ахлоқ
милицияси ходимлари билан бўлиб ўтган мунозарадан кей-
ин ноилож бизни ичкарига қўйишга мажбур бўлишди.**

Ҳар хил рангли чиқоқлар ўчиб-
ёниб турган сахнада эндигина
ёшлик онларини бошидан кечи-
раётган турли миллат вакилла-
ри ўзларига ярашмаган беҳаё
қилиқлар билан бошқаларни ўз-
ларига ром эттишмоқчи бўлади.
Бир пайтда ёши 16-17ларда бўл-
ган қизгина хориж мусикасига
отдей дукур-дукур этиб ўйнади.
Унинг эғидида калта юбкиси ва
сийна-бандини ҳисобга олмасак
ҳеч вақо йўқ эди.

Шу кунги ахлоқ милицияси то-
монидан ноқонуний равишда иш
олиб бораётган тунги кўнгило-
чар муассасаси ёпиб қўйилиб,
у ердаги бир неча нафар енгил та-
биатли аёлларга нисбатан те-
гишли чоралар кўриildi.

Жиноятчиликнинг олдини
олиш бўшқармаси катта нози-
ри, милиция майори Дилшод Ра-
химовнинг ишхонасида ўтириб-
миз. Хўзуримизга кирган қиз эн-
дигина балоғат ёшига етган. Кўз-
лари тим қора, хушсурат бу қиз-
нинг 14 ёшлиғидаёқ ёмон йўлга
кириб кетганига юрагинг ачина-
ди. Асли Фаргона вилоятидан
келган бу қиз ўзига тўқ оила-
дан. Тошкентга ўқиш учун келиб
қолган. Гапларига қараганда ха-
миюртлари билан бир базмда
ўтириб қилиб шармандали кўйга
тушган. Энди эса уйга боришга
бети чидамасмиш. Келинг, уни-
нг исмини шартли равишда Шах-
ло дея қолайлик. У уйидагила-
рини ҳалигача Тошкентда ўқияп-
ман деб алдаб юрибди. Аслида
эса тўнлари билан миҳозларни
кўнглини овлайди. Шу кунги биз-
га ўз ҳаётидан нолимаслигини
айтди. Ҳаммасига ўша йигит

айбдор деб аллақандай Тохир-
ниг номини тилга оларди. Билма-
дик бу гапнинг қанчалик рост-ёл-
гонлигини. Аммо унинг ҳаёти бў-
зилиб бўлганлиги, ҳаракат қилса
ҳали ҳам уни тузатиш мумкинли-

гини кўзларидан уқдик. Начора...

Наташанинг ҳам ҳаётига ҳавас
қилиб бўлмайди. «Ёшлигингда
уйнаб қол», деган шiorга рия
қилган ҳолда ашашни яхши кўра-
ди.

— Оилада ёлғиз фарзандман, —
дейди Наташа. — Ота-онамнинг
топиш-тутуши ёмон эмас. Уйда
битта қиз учун нима шароит ке-
рак бўлса бари мўхайё. Отам ҳам,
онам ҳам менинг айтганимдан чиқ-
майдилар. Улар куни билан иш-
лашар, мен эса «видик» кўриш
билан овора эдим. Ҳаммаси ўша эх-
тиросли хориж фильмларини то-
моша қилишдан бошланди. Олди-
нига синфдошим Саша билан
ётиб-туриб юрдик. У мени жуда-
жуда ишонтирганди. Хар икки сў-
зининг бирида менга уйланишини
айтарди. Аммо алдаб кетди. Ҳам-
манинг оғзиде менинг ғийбатим
эди. Онам бундай кўргуликларни
кўтаролмай оғир касалликка ча-
линди. Отам эса мендан воз ке-
чди. Хуллас, ҳозир на уйим бор,
на эрим.

Бундай мисолларни яна келти-

ришимиз мумкин.

Милиция ходимлари ўтказган
навбатдаги тadbир натижасида
Сергели-8 даҳаси, 9-уй, 38-хона-
донда истиқомат қилувчи З.Қ. ўз
уйини фоҳишахонага айлантириб
қўйганлиги аниқланди. Бу аёлни-
нг уйда унинг қўшмачилиги ту-
файли Я.Я. ва Н.К.лар бир-бир-
ларини «топишганди». З.Қ.га нис-
батан Ўзбекистон Республикаси
Жиноят Кодексининг 131-модда-
си, 2-банди билан жиноий иш кўз-
ғатилди.

З.Қ. қўшмачилик қилиб мўмай
пул ишлаётганлигидан бохабар

«02»

ТУНГИ ТАДБИР
НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

бўлган шу даҳанинг 13-уй, 78-хона-
дониде яшовчи Г.А. ҳам ўз қўш-
мачилик фаолиятини бошлаб
юборди. Аммо енг шимариб иш-
га киришгани узокқа бормадилар.
Жирканч йўллар билан ортирил-
ган пуллар шу пайтгача кимга ҳам
фойда берганди... Унга ҳам на-
сиб этмади. Маълум муддат ха-
ром ишлар билан шуғулланган бу
аёлга нисбатан ҳам юқоридеги-
де жиноий иш кўзғатилган.

Буларни ёзишдан мақсад бў-
лаётган жирканч иллатлардан сиз-
ларни ўз вақтида воқиф этиш.
Лоқал ушбу сатрларни ўқиб ҳа-
ром-хариш ботқоқига ботиб улгур-
ганлар ёки уйламасдан ёшлик ту-
файли бировларнинг найрағлари-
га учиб фоҳишаларни ҳавас қи-
лаётганлар нафсларини тийсалар.

Юқориде айтиб ўтганимиздек
пойтахт милицияси фоҳишабоз-
ликка қарши кураш олиб бормок-
да. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги
учун бир неча рақамларни келти-
ришимиз. Шу йилнинг олти ойи ичи-
да фоҳишабозлик ва қўшмачилик

«Юппуз»лар ҳаётидан

БИР МАРТА ЕНГИЛГАН ҚАҲРАМОН

**Етмишинчи йилларнинг бошида жаҳонга шов-шув
солган бу фильм худди шамолдек деярли барча мам-
лакатларнинг кино экранларини кезиб чиқди. Қаер-
га бормасин ўзидан ажойиб хотира — хайрат, шов-
шув ва тақлидни қолдириб кетарди. Бу фильм ҳақи-
да ҳали ҳам шов-шув билан гапиришади. Унинг но-
ми «Ажойиб еттовлон» эди.**

**Еттовлоннинг энг каттаси — етакчиси Крисни Юл
Бриннер ижро этган эди...**

...Жаҳонда нималар бўл-
майди, дейсиз. Юл Бриннер —
ўша томошабинларни ларзага
солган, жунбуша келтирган паҳ-
лавон Бриннер ҳаётдан кўз юм-
гандан кейин беш соат ўтгач, ра-
диога унинг ўқтам овози ян-
ради:

— Одамлар, мен сизга муро-
жаат қилаяпман. Қулоқ солиб,
айтганларимга амал қилинг: сиз-
лар чекишни мутлақо бас қили-
нг. Чекиш ўз жонингизга қасд
қилишингиздир.

Дунёдаги миллионлаб киши-
лар унинг ўлганидан кейинги
даъватига хайратда қолдилар.
Ишонмасдан илож йўқ: ялтироқ
бош актёрнинг ўзи ҳаётида ку-
нига 4-5 пачка сигаретни кўр-
дим демасди.

Юл Бриннер.
Юлиус Бриннер.
Юлий Бриннер.

Қайси ном билан аталмасин
буюк актёр Россиянинг Узоқ
Шарқда, Сахалинда туғилиб ўс-
ган. Унинг томирларида мўғул

отаси ва лўли онасининг исён-
кор қони қўшилиб, омухта бўлиб,
жўш уради. Унинг асл номи Тай-
жи Хон. Юлиус болалигиданоқ
ўзининг артистлик маҳорати бил-
лан барчани қойил қолдирарди.
«Бола бошидан» деганлари шу
бўлса керак-да. Лўлилар хорида
тирикчилик учун қўшиқ айтди. У
тунги рестороанларда гитара чал-
ди. Сайёр цирк труппаси билан
Американи кезиб чиқди. Юл
Бриннер номи билан няхоят Ҳол-
ливудда пайдо бўлди. Омадини
излади.

Омад қутилмаган ерда қулиб
боқди. 1982 йилда Бродвейдаги
«Қирил ва мен» мюзиклидаги
Сиам қироли тақирбош Мангус-
та роли унга оламшумул шухрат
келтирди. Шу-шу унинг омад юл-
дузи балқиб чиқди. Соңсиз бо-
ши ярақлаб турган Юл Бриннер-
ни тақлифларга қўмиб юбориш-
ди. У ашаддий қаллақсарлар
ролини қотириб ижро эта бош-
лади.

Шухрат чўққисига уни «Ажой-

иб еттовлон» фильмидаги Крис
роли олиб чиқди. Узоқ йиллар да-
вомида Крис — Бриннер асл ма-
рд йигитнинг, олижаноб эркакни-
нг тимсоли бўлиб қолди.

Юл Бриннер осмондаги ойни
олишга қодир эди дейишади. Агар
бедаво дард унга чангал солма-
ганда шундай бўларди ҳам. 1983
йилда гўё бургутнинг қаноти
қайрилгандек бўлди: Бриннер са-
ратонга йўлиқди. Юл Бриннер да-
во истаб Германияга келди. Энг
етук мутахассисларга учрашди.
Малҳам топилмади. У ҳатто ши-
фо истаб, панох истаб Непалдаги
машхур ибодатхона остонасига
бoш урди.

Юл Бриннер тўрт марта уйлан-
ган эди. Дўстларининг сон-са-
ноғи йўқ эди. Лекин оғир дамларда
уни биронтаси есламади. Фақат-
гина сўйғи аёли Кэти Ли унинг
ёнида бўлди.

— Отам Марлен Дитрих, Мэри-
лин Монро, Жуди Гарленд синга-
ри жонлонларнинг жазмини эди, —
деб ёздай ўз китобида ўғли Рок.
— Буни қарангки, Юл Бриннер
ўлим билан олишаётганда фақат-
гина садоқатли Кэти Ли ёнида
жон олиб, жон бергудек бўлди.

Юл Бриннер.
Беадад қаҳрли, матонатли паҳ-
лавонларни ижро этган енгилмас
Юл Бриннер фақат бир мартаги-
на, биттагина олишувни ютказди.
У саратонга бас келолмади. Наил-
лож, буни ахир ҳаёт дейдилар.

Хориж материаллари асосида
Тохир ЙЎЛЧИЕВ тайёрлади.

билан шуғулланганлиги учун бир
неча шахсга нисбатан маъмурий
чора кўрилди, 120та жиноий иш
кўзғатилди.

Шаҳар ОИТС маркази ва тери-
таносил касалликлари диспансе-
ри билан ҳамкорликда бир қанча
фўқаро пала-партиш жинсий ал-
қада бўлганлиги учун текширув-
дан ўтказилди.

Мирзо Улуғбек туманидаги ма-
ҳаллий видеоустудиялардан бири
текширилганда у ердан рухсат
этилмаган хорижий беҳаё фильм-
лар топилиб видеоустудия раҳба-
ри С.Соатов жиноий жавобгар-
ликка тортилди.

Собир Раҳимов туманида исти-
комат қилувчи М.Петросян бизни-
нг турмуш тарзимизга мос кел-
майдиган китобларни, яъни беҳаё
суратлар билан безалган ўзига хос
шаҳвоний қўлланмани таркатаёб-
ганлиги учун, шундай фаолият бил-
лан шуғулланган Я.Чеботарёвага
ҳам жиноий иш кўзғатилди. Бе-
ҳаёлик билан боғлиқ бўлган ада-
биётларни тарқатган бошқа бир
неча шахсларга нисбатан ҳам жи-
ноий иш кўзғатилган.

Мақоламизда Тошкент шаҳар
ИИББ ахлоқ милицияси иши ҳа-
қида яна ҳам кўп гапириб ўтиши-
миз мумкин эди. Бироқ атроф-
төварагимизда содир бўлаётган
номаъқулгарчиликдан биригина
милиция хабардор эмаску. Ён-ат-
рофимизга бир назар ташлайлик.
Зора, бир адашган одамни тўғри
йўлга солиб қўйсак. Ажаб эмас,
қўндан кўён қочолмас, деганла-
ридек, бизнинг сай-ҳақаратлари-
миз ила фоҳишалар қамайса, фо-
ҳишабозликдек ёмон иллат шаҳ-
римизда бўлмаса.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар
бош бошқармаси Матбуот гуруҳи
бошлиғи, милиция катта
лейтенанти.

**Бош муҳаррир ўринбосари
Солиҳ ЁҚУБОВ**

ТАБАССУМ

Бир шўх бола ўзининг соя-
сини кўрибди-да, уни уришса
тутунибди. Устидан сакраб-
ди, ёнидан юзурбди, тепиб
учирмоқчи бўлибди. Соя эса
ҳеч тутқич бермас экан. Ни-
ҳоят болакай чарчабди, жаҳл-
ни чиқибди. Уйса қайтмоқ-
чи бўлибди. Қараса сояси ҳам
унинг орқасидан келяпти.

— Аҳ-ҳа! Сенинг ҳам ов-
қат егини келяптими? Ун-
да юр, кетдик!

Маориф бўлими инспек-
тори билан мактаб мудири
ҳовлида айланиб юришган
экан. Мактаб боғини
пайҳон қилиб, настирин
узаётган болани кўришди.

— Мана тарбиянинг на-
тижаси, — дебди инспек-
тор.

Директор қизариб ҳали-
ги болага:
— Холдод! Бу нима қи-
лиқ! — деб қичқирибди.

— Ада, бизнинг фамилия-
миз Ҳамидов-ку! Унутдин-
гизми? — дебди бола.

— Бугунги ишни эртага
қолдирмасдик керак, — деб-
ди ойиси Ҳилола.

— Яхши, унда торт бил-
лан конфетни ҳозироқ еб
қўяман, — қулибди Ҳилола.

Ойи, тухумни ечинтириб
беринг! Ёшим келяпти, —
дебди Ҳилола.

— Ойи, мушук аксирди.
— Сен унга соғ бўл деди-
нгми?

— Йўқ.
— Нега?
— Кейин раҳматини мен-
га ким айтади?

— Ойи, бугун ишга бор-
манг, — деди кичкина қиз-
ча.

— Ишга бормасам бизга
нони ким беради?

— Дукондан сотиб ол-
маймизми?

Баҳриддин ТУРҒУНОВ
тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**1-ҚАБУЛ ПУНКТИ
КОҒОЗ ЧИКИНДИЛАРИ
(МАКУЛАТУРА)НИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚУЙДАГИ
КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖ МОЛЛАРИГА АЛМАШТИРГАН ҲОЛДА
АХОЛИДАН ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

1. Хўжалик совуни — 1 бўлак — 6 килограмм макулатурага.
2. Атир совун — 1 бўлак — 3 килограмм макулатурага.
3. Электр лампочкаси — 1 дона — 3 килограмм макулатурага.
4. «Лола» кир ювиш пастаси — 1 банка — 4 килограмм макулатурага.
5. «Чистолит» тозаловчи порошок — 1 банка — 5 кг макулатурага.
6. Икки жилдлик «Граф Монте-Кристо» китоби — 2 жилд — 10 килограмм макулатурага.
7. Шафтоли шарбати (1 литр) — 1 банка — 7 килограмм макулатурага.
8. Гугурт — 1 қuti — 0,5 килограмм макулатурага.
9. «Ўзбекистон» виноси — 1 шиша — 10 килограмм макулатурага.
10. «Ўзбекистон» ароғи — 1 шиша — 15 килограмм макулатурага.

Маҳсулотлар рўйхати ва меъёри ўзгариши мумкин. Макулатуранинг йиғиш
ва ундан картон қутиларни тайёрлаш учун қайта фойдаланиш шаҳарнинг
санитария ва экология ҳолатини яхшилайти ва қўшимча иш жойларини
ташқил этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 26-мавзе, «Нон-Паста» ҳиссадорлик жамия-
ти ёнида. Тошкент шаҳридаги маълумот учун телефонлар: 35-19-62,
35-20-42, факс: 35-20-42.

«Саноаткартонсавдо» ҳиссадорлик жамияти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни,
хусусий эълонлар ва хусусий биз-
нес бўйича эълонларни, шунинг-
дек тавсияларни, таваллуз қил-
лар, тўйлар, юбилейлар муно-
сабати билан кўтовларини, та-
қоқ эълонлар ва ишонч ўқини
эълонларни ўз сифатларида ёри-
тади.

Эълонлар шайба ва акши-
бадан таъқир хар кун соат
9.00 дан 17.30 гача қабул қи-
лади.

Маълумотлар учун
телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ:
МАТЕУТИЧЛАР
КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ,
204-ХОНА.

«Маҳалла» хайрия жам-
гармаси Тошкент